

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТ ЎЗБЕКИСТОНДА

БМТ Тараққиёт дастурининг халқаро эксперти жаноб Нельсон Стратта Марказий банкка ташириф буюрди. Учрашув “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни миллий молиялаштиришнинг комплекс механизмини яратиш” БМТ қўшма дастурини амалга ошириш доирасида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг молиявий инклюзивлигини ошириш ҳамда хусусий ва инновацион молиялаштириш учун шартшароитлар яратиш борасидаги сиёсатига доир масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, мамлакатда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш стратегияси юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

КИБЕРТАҲДИДЛАР ВА ФИРИБГАРЛИК МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида “VISA” халқаро тўлов тизими билан ҳамкорликда рискларни бошқариш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

VISA

Тадбирда кибертаҳдидлар ва фирибгарликларнинг долзарб тенденциялари, VISAнинг мавжуд риск дастури муҳокама қилиниб, савдо тармоғидаги хатарларни назорат қилиш ва агентлар билан ишлаш бўйича хизмат кўрсатувчи банкларда VISA талаблари кўриб чиқилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, киберхавфсизлик мавзуси йилдан-йилга долзарб бўлиб бормоқда. Бугунги кунда аксарият ҳужумлар хали ҳам ижтимоий инженерия усулларида фойдаланган ҳолда амалга ошириляпти. Яъни улар инсонларнинг ишонувчанлигидан ёки бепарволигидан фойдаланмоқдалар. Аҳоли ўртасида киберсаводхонликни ошириш, банк ходимларининг маънавиятини юксалтириш фирибгарлик хавфини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Учрашув



II Халқаро банк-молия форуми молия фаолиятининг деярли барча соҳаларини қамраб олди.

II ХАЛҚАРО БАНК-МОЛИЯ ФОРУМИ

Тадбир доирасида банк, инвестиция, кредит, суғурта ва қайта суғурталаш, лизинг, капитал бозори ва биржа фаолияти йўналишларида қатор муҳим учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, молия секторини ривожлантиришнинг ҳозирги тенденциялари ва

МБ хабари



Тижорат банкининг юқори фоиз ставкалари бўйича амалга оширилган навбатдаги мониторинг натижаларига кўра, 2021 йил 1 декабрь ҳолатида ушбу банклардаги аҳоли омонатларининг юқори фоиз ставкалари 20-22 фоиз атрофида шаклланиб, ўртача 21,2 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли омонатлари бўйича юқори фоиз ставкаларини аниқлашда, барча мижозлар учун оммабоп бўлган, чекловлар ва олдиндан шартлар мавжуд бўлмаган банк омонатларининг юқори ставкалари ҳисобга олинди. Бироқ алоҳида тоифадаги мижозлар, яъни пенсионер, болалар, талабалар ва бошқалар учун мўлжалланган ҳамда капитализация қилинадиган омонатлар ҳисобга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича лойиҳа амалга оширилиши бошланди.

МИГРАНТЛАР МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИ

Марказий банк “Кафолат” суғурта компанияси билан биргаликда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги

“Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда Ташки меҳнат миграцияси агентлигининг 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги тренерларни молиявий саводхонлик бўйича тайёрлаш юзасидан учрашув ўтказилди. Унда тўлов ва пул ўтказмалари, замонавий молиявий технологиялар, молиявий хавфсизлик (жумладан, рақамли молиявий хавфсизлик) ва банк омонатлари каби мавзулар ёритилди. Шунингдек, “Сбербанк” ОАЖ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар ва материаллар тақдим этилди.



«Hamkorbank» АТБ корпоратив нашри

BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

www.hamkorbank.uz

12-сон

2021 йил, декабрь

“НАМКОРБАНК” АТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ БАХТИЁРЖОН ЖЎРАЕВНИНГ ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз устозлар, қадрли ҳамкасблар, ҳурматли дўстлар!

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном олган 2021 йил ўз ниҳоясига етмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳаммамиз учун муқаддас маскан, барчамизни ягона мақсад сари бирлаштирган “Hamkorbank” АТБ учун ўтган 2021 йил эсда қоладиган муҳим воқеликлар, янгиликларга бой бўлди. Худди шу йил банкимиз ўзининг қутлуғ 30 ёшини кенг тантанани қилди. Албатта, бундай муҳим санани ёруғ юз, эътирофга арзигулик муваффақиятлар билан қарши олишда ҳар бирингизнинг муносиб ҳиссангиз бор.

Банкимизнинг юбилей тантанаси кенг нишонланган жорий йилда “Hamkorbank”нинг кредит портфели 9 триллион сўмдан ортиб кетди. Ушбу йилда ҳам кўплаб халқаро молия ташкилотлари билан бир нечта йирик кредит линия

ажратилиши бўйича келишувларга эришилиб шартномалар имзоланди. Қувонарли жиҳати, “Hamkorbank” “Asiamoney” журнали томонидан “Ўзбекистондаги энг яхши рақамли банк” сифатида эътироф этилди. “Йил бренди” танловининг натижаларига кўра, “Ўзбекистоннинг энг

яхши банки” номинациясининг ғолиби бўлди. Якунига етаётган ушбу йилда банкимизнинг 47-(Миробод) филиали ўз фаолиятини бошлади. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида юртимиз бўйлаб 100 дан ортиқ банк хизматлари офислари иш юритмоқда.

Ҳамкорларимизнинг бизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, банкимизга хайрихоҳ бўлган инсонларнинг сонини ошириш ва мижозларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатишимиз учун астойдил изланишимиз, бор билимимиз, иқтидоримизни сафарбар этишимиз даркор. Эзгу мақсад ва ниятларнинг рўёбга чиқиши учун эса мустаҳкам саломатлик, изланиш ва ташаббус талаб этилади. Коронавирус пандемияси давом этаётган шу паллада ҳар бирингизга, оила аъзоларингиз ва яқинларингизга, энг аввало, бебаҳо бойлик ҳисобланган мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Кириб келаётган Янги — 2022 йил юртимизга тинчлик-осойишталик, хонадонларимизга фойз-барака, оилаларимизга чексиз хурсандчиликларни олиб келсин!



УШБУ СОНДА:

ЧИПТАЛАРНИНГ
ҚУЛАЙ
УСУЛДАГИ
ХАРИДИ

“НАМКОРБАНК”ДАН
САВОДХОНЛИК
ДАРСЛАРИ

“САМО”НИНГ
ЮТУҚЛАРИ

Банк структурасидаги ўзгаришлар

ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

“Hamkorbank” АТБ Бошқарувининг 2021 йил 18 ноябрь кунги 619-сонли қарорига асосан, “Касса иши ва инкассация хизмати сектори”, “Касса иши ва қимматликларни ташишни ташкил этиш бўлими” тузилмасига ўзгартирилди. Ушбу бўлим таркибида “Касса ишини ташкил этиш ва назорат қилиш сектори” ҳамда “Қимматликларни ташиш хизмати сектори” ташкил этилди.

ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

“Hamkorbank” АТБ Бошқарувининг 2021 йил 24 ноябрь кунги 630-сонли қарорига асосан, Юридик хизмат таркибидаги “Корпоратив ва халқаро ҳуқуқий муносабатлар сектори” ва “Чакана банк хизматлари ва қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳуқуқий муносабатлар сектори” тугатилди. Хизмат таркибида “Банк тизимларини ҳуқуқий таъминлаш бўлими”, “Суд жараёнларини ҳуқуқий таъминлаш сектори” ва “Суд ишларини мувофиқлаштириш бўлими” ташкил этилди.

МУАММОЛИ АКТИВЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА УНДИРУВ ХИЗМАТИ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

“Hamkorbank” АТБ Бошқарувининг 2021 йил 12 декабрь кунги 678-сонли қарорига асосан, Муаммоли активлар билан ишлаш ва ундирув хизмати таркибидаги “Суд ишлари ва ундирувни ташкил этиш бўлими” тугатилиб, “Ижро жараёнлари ва ҳисобдан чиқарилган активлар билан ишлаш бўлими” ташкил этилди.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Онлайн харидларни хуш кўрувчилар учун ажойиб янгилик. Энди АҚШнинг машҳур “iHerb” сайтида камиди 100 АҚШ доллари миқдоридagi харидлар тўловини “Hamkorbank” Visa карталари ёрдамида амалга ошириб, 15 фоиз чегирмага эга бўлиш мумкин.

“iHERB” БИЛАН САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК САРИ

Чегирма “VISAUZ” промокоди бўйича такдим этилади. Буюртмани расмийлаштириш вақтида кодни киритиш муҳим. Акция 2022 йилнинг 15 январига қадар давом этади.

“Hamkorbank” Visa карталарини тезкор расмийлаштириш орқали манфаатли таклифдан фойдаланиб қолиш имконияти мавжуд.

ЧИПТАЛАРНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛДАГИ ХАРИДИ

Янги йил байрамини нишонлаш мақсадида сафарга тайёргарлик кўраётганлар учун “Hamkorbank” энг яқин ёрдамчи!

Чипталарни e-ticket.railway.uz сайтидан харид қилиб, “Hamkorbank”нинг тўлов модулидан фойдаланиш вақти тежаш имконини беради. Тўловларни исталган банкларнинг HUMO va UZCARD тизими карталари орқали амалга ошириш мумкин.



Молиявий саводхонлик нима? Даромад ва харажатларни қандай қилиб бошқариш мумкин? Вақт ва пулнинг қадрига этишнинг асосий қоидалари.

“Hamkorbank” АТБ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жой-

“НАМКОРБАНК”ДАН САВОДХОНЛИК ДАРСЛАРИ

билимларни мукамал эгаллаш тадбирларнинг бош мавзусига айланди.

Андижон шаҳрида жойлашган 35-дават ихтисослаштирилган ҳамда инглиз тилига ихтисослаштирилган 13- умумтаълим ва Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида ташкил этилган тарғибот тадбирларида банкнинг малакали мутахассислари мавзунинг моҳиятига эътибор қаратдилар. Молиявий саводхонлик жамиятнинг ривожланиши, эртамир эгаларининг фаровон ҳаёт кечиришларининг асоси эканлигига алоҳида урғу берилди.

Ўқувчиларнинг қизиқиши, савол-жавоблари, саҳна кўринишлари тадбирга файз киритди.

“Hamkorbank” 30 йил Сиз билан бирга!

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида фаолият олиб бораётган “Hamkorbank” филиали фаолиятига бир назар ташласак. Туман номи билан аталадиган бу тармоқ 2015 йилда иш бошлаган. Ҳозирда 36 нафар ходимга эга.

Филиалнинг ўзига хослиги шуки, чакана хизматларга бўлган талаб анча юқори. Яқин масофада талабалар шаҳарчасининг жойлашганлиги ва қўплаб таълим муассасаларининг мавжудлиги ҳам жисмоний шахслар мурожаатининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Пойтахтда ишлаш бошқа ҳудудларда ишлашдан кўра кўпроқ масъулият ва салоҳият талаб қилади. Чунки вилоятда бир хил тоифадаги мижозлар мурожаат қилса, Тошкент шаҳрида турли даражадаги шахсларга хизмат кўрсатилади. Бу ерда ходимдан ўзига нисбатан катта ишонч талаб этилади.

“Само” банк хизматлари офисининг ташкил қилинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай амалга оширилган ишлар эътиборли, мақтанишига арзигулик муваффақиятлари бор.

“САМО” НИНГ ЮТУҚЛАРИ

— Йил бошида “Hamkorbank” АТБ томонидан бизнинг банк хизматлар офисига қўйилган 1 миллиард 716 миллион сўмлик режа 11 ойдаёқ 2 миллиард 35 миллион сўм, яъни 119 фоизга бажарилди. Жисмоний шахсларга “Энг яхши CRM дастуридан микрокарз ва истеъмол кредитлари” ажратган ходим танловида Алижон Абдуллаев июль-сентябрь ойларида кетмакет 1-ўринни кўлга киритди, — дейди фахр билан БХО бошлиғи Хуршид Отажонов.

Муваффақиятлар кўтаринки кайфият бериши аниқ. Ана шунинг таъсирида ходимларнинг шижоати ошди. Банкнинг яна бир ходими Умрбек Олимов сентябрь ойида БХОлар бўйича “Энг кўп микрокредит ажратган

ҚИММАТБАҲО ГАВҲАР



Филиал ходимлари бу талабга жавоб бера олмади. Уларнинг аксарияти бошқа тармоқларда ва бошқа муассасаларда тажриба тўплаб улгурган малакали мутахассислардир. Масалан, Чакана бизнес бўлими бошлиғи Рустам Йўлдошев, корпоратив хизматлар кўрсатиш бўлими транзакцион менежери Комила Йўлдошева, бош ҳисобчи Сардор Бердиев ҳақида ана шундай таъриф бериш мумкин. Бугун бу ходимлар ўзининг тажрибаси, билими, изланувчанлиги ва меҳнатсеварлиги билан

жамоа кўрсаткичларининг ўсишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Филиалнинг мазкур йилдаги кўрсаткичлари ҳам кўнғилдагидек. Айниқса, ВАШ-Конверсия амалиётлари, халқаро пул ўтказмалари, курс фарқидан олинган даромад бўйича 100 лик довондан ошиб, 200 фоизлик маррага яқинлашиб қолди.

Юридик мижозлар ташрифи учун ноқулай ҳудуд бўлишига қарамай, ходимларнинг саъй-ҳаракати, жойларга бориб маркетинглар ташкил қилиши нати-

жасида катта корхона-ташкilotлар билан ҳамкорлик ҳам аста-секин йўлга қўйилмоқда.

Жамоа биноси кичик бўлсада яратилган шароитлар кўнғилдагидек эканлигини ходимлар эътирофидан ҳам англаш мумкин. Банкчилар 2021 йилни барча кўрсаткичларда 100 фоизлик чўққини забт этган ҳолда яқунламоқда.

Пойтахтнинг бир четида бўлишига қарамай, “Hamkorbank”нинг ғояларини кенг татбиқ этаётган филиални қимматбаҳо гавҳарга ўхшатиш мумкин.

Нигора ТЎХТАМАТОВА.

айни кунда 140 нафарга етди. Намунали хизмат кўрсатиш асносида ўнга яқин йирик ва қўшма корхоналар ҳамкорлиги вужудга келди. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи “Ҳазорасп Турон” МЧЖ ушбу молия муассасасининг кўмаги билан иқтисодий ривожланишга эришди.

“Само” БХО Ҳазорасп маркасида жойлашган бўлиб, туманнинг 50 фоиз аҳолисини камраб олган.

Унинг мўъжазгина биноси яқинда таъмирдан чиқди. Янги шароитда ишлаш ходимлар учун марокли. Улар Янги йилни кўтаринки кайфиятда кутишмоқда. Чунки бунга сабаб бор — кўрсаткичлар юксак, эътибор ҳам юқори.

Замонавий кўринишга эга банклар ва уларнинг намунали хизматлари бугунги кун талабидир. “Само” банк хизматлар офисиди ана шуларнинг барчаси мужассам.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

